



ХОРИЖ ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМИДА “МАКТАБ КЛАСТЕРИ”

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.7.7.053>

Каршиева Дилбар Эшпұлатовна,
Тошкент вилояты Чирчиқ давлат педагогика институти,
педагогика фанлари бүйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация. Замонавий педагогикда таълим кластери – муайян жуғрофий ҳудуднинг рақобатбардои педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондириши мақсадида бир-бiri билан узвий алоқадаги тенг ҳуқуқли алоҳида субъектлар, технология ва инсон ресурсларининг интеграциялашувини кучайтирувчи механизми сифатида қайд этиб келинади. Уйбу мақолада “Таълим кластери – узлуксиз таълимнинг мактабдан ишлаб чиқаришгача бўлган ягона тизими”, эканлиги ёритилган.

Калит сўзлар: педагогик таълим кластери амалиёт, компетенция, касбий компетентлик, педагог кадрлар.

«ШКОЛЬНЫЙ КЛАСТЕР» В ЗАРУБЕЖНОМ ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ОБРАЗОВАНИИ

Каршиева Дильбар Эшпұлатовна,
Чирчикский государственный педагогический институт Ташкентской области, доктор философии в области педагогических наук (PhD)

Аннотация. В современной педагогике образовательный кластер определяется как механизм, усиливающий интеграцию отдельных субъектов, технологий и человеческих ресурсов, которые неразрывно связаны друг с другом с целью удовлетворения потребности конкретного географического района в конкурентоспособных педагогических кадрах. В данной статье поясняется, что «Образовательный кластер – единственная система непрерывного образования от школы до производства».

Ключевые слова: кластерная практика педагогического образования, компетентность, профессиональная компетентность, педагогические кадры.

“SCHOOL CLUSTER” IN FOREIGN PEDAGOGICAL EDUCATION

Karshieva Dilbar Eshpulatovna
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region,
Doctor of Philosophy in Pedagogical Sciences (PhD)

Annotation. In modern pedagogy, the education cluster is defined as a mechanism that strengthens the integration of individual entities, technology and human resources, which are inextricably linked with each other in order to meet the needs of a particular geographical area for competitive teaching staff. This article explains that the “Education Cluster is the only system of continuing education from school to production”.

Keywords: pedagogical education cluster practice, competence, professional competence, pedagogical staff.


Кириш. Жаҳонда содир бўлаётган глобаллашув натижасида макон ва замон тушунчалари ўз аҳамиятини йўқотаётган бир даврда таълим хизматлари бозори тобора минтақавий аҳамият касб этиб бормоқда. Бугунги кунга келиб бозорни юқори даражадаги профессионал таълим хизматлари билан таъминлаш минтақа миқёсида энг долзарб масалалардан бирига айламоқда. Айни дамда бутун дунёда, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида таълим

кун сайин бозор механизмининг талаб, таклиф, рақобат, маркетинг ва бошқа қонуниятларига бўйсунадиган таълим хизматлари соҳасига айланиб улгурди. Бу олий таълим тизимидағи, хусусан, педагогик таълимда кўзга ташланаётган бир қатор муаммоларни ўз вақтида ҳал қилишни тақозо этади.

Педагогик фаолиятда касбга оид дуч келинадиган баҳсли вазиятларда мустақил ва мувафақиятли ҳаракат қилишга, муаммоларга креатив ёндашишга, ўз касбини қадр-қимматини ҳис этиш ва уни асраб авайлаш, қолаверса, кўкларга кўтаришга қодир мутахассисни тайёрлашни мақсад қиласидиган, педагогик таълим мазмуни узлуксизлиги ҳамда узвийлигига асосланган, унинг натижадорлигига жавобгар бўла оладиган олий таълим сифати алоҳида аҳамиятга эга. Бундай таълим сифатини таъминлашга қодир механизм сифатида “Педагогик таълим кластери”ни тилга олиш ўринлидир.

“Педагогик таълим кластери – муайян жуғрофий ҳудуднинг рақобатбардош педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида бир-бири билан узвий алоқадаги тенг хуқуқли алоҳида субъектлар, технология ва инсон ресурсларининг интеграциялашувини кучайтирувчи механизм” [1] сифатида қаралмоқда.

Адабиётлар шархи. Таълим кластери рус тадқиқотчилари томонидан турли аспектларда тадқиқ этилганини кўришимиз мумкин. Жумладан, “Таълим кластери – асосан занжир ичидағи горизонтал боғланишларга асосланган фан-технология-бизнеснинг инновацион занжирида таълим бериш, бир-бирига таълим бериш ва ўз-ўзини тарбиялаш (мустақил таълим олиш) воситалари тизимирид”, “Таълим кластери – узлуксиз таълимнинг мактабдан ишлаб чиқаришгача бўлган ягона тизими”, [2] дея қайд этилади. Россия таълим кластери модели тадқиқотчилар томонидан қуидагича ифодаланган



1-расмда Россия таълим кластери модели

1-расмда келтирилган моделни таҳлил қиласар эканмиз, шуни таъкидлаш лозимки, энг самарали, инновацияларга йўналтирилган усул – бу умумий таълим тизими, илм-фан ва ишлаб чиқаришни ўзаро бир мақсадда ҳамкорлигини таъминлаш, интеграциялаш, яъни таълим кластерини тузиш. Мазкур мақсадга эришилганда бир қатор истиқболли режаларга эришилади, муайян устуворликлар қўлга киритилади.

Бу ҳақда русийзабон олима Е.Н. Коновалова батафсил тўхталган: “таълим-фан-ишлаб чиқариш” тизимида шериклик алоқаларини ўрнатиш орқали меҳнат бозори ва таълим хизматлари бозори ўртасидаги номувофиқликлар камайтирилади; “таълим-фан-ишлаб чиқариш” тизими узлуксиз жараён бўлиб, кластер воситасида таълим хизматлари бозорида ўзгаришларни тезда

бошқаришга имкон берадиган элементларнинг барқарор ўзаро таъсири таъминланади; таълим кластерлари ички ресурслари: кадрлар, илмий ва ахборот салоҳияти, молия, инфратузилмадан самарали фойдаланишга имкон яратади; кластерга бирлашиш орқали турли илмий, технологик ва таълим инновацияларнинг уйғунлашувига ҳамда янги билимларни ишлаб чиқариш ва таълим технологияларига йўналтириш тизимини шакллантиришга имкон яратилади; бу кўп босқичли таълим тизимини шакллантириб, фаолият юритиш учун (ташкилот, компания, корхона) бўлажак мутахассисларга билимларни чукурлаштириш, кенгайтириш ва тизимлаштириш имконини беради; таълим мазмунини бирлаштириш, таълимнинг мақсад, метод, шакл ва воситаларида узлуксизлик принципини амалга ошириш, янги кадрларни тайёрлаш учун вақтни қисқартиради; иш берувчилар (ташкилот, компания ва корхоналар) ҳамкорлиги ҳамда таълим муассасалари ва фанга инвестицияларни рағбатлантириш механизмлари кучаяди” [3]. Мазкур афзалликлар бошқарув механизмили кластер субъектларининг ўрнатилган инновацион-технологик жараёни сифатида маҳсулотнинг инновацион параметрларини прогноз қилиш ва бошқариб туриш учун шароит яратади.

Юқорида таълим кластери бўйича билдирилган фикрлардан шундай дастлабки хulosаларга келиш мумкин: МДҲ давлатлари таълим тизимида “кластер” таълимнинг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш мақсадида барча таълим босқичи муассасаларининг ўзаро бирлашуви ва ҳамкорлиги тушунилади. Бу орқали таълим сифати ва самарадорлигига эришиш мақсад қилинади.

Америка, Европа ва Африка мамлакатлари соҳавий манбалари таҳлилига асосланиб қайд этишимиз мумкинки, “мактаб кластери (инглиз тилида – school cluster, немис тилида – Schulcluster)” ушбу минтақалар таълим тизимида алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур тушунчани тўғри ва аниқ ёритиш, ўз навбатида, қўйидаги атамалар маъносиға тўхталишни тақозо этади.

Европада мактаб кластери маъмурий ва таълим мақсадларидағи номутаносибликни бартараф этиш учун географик жиҳатдан бир-бирига имкон қадар яқин жойлашган мактабларнинг бирлашишини англатади.

Мактабларнинг кластерлаштириш ривожланаётган давлатларда мактабларни қўллаб-қувватлашнинг ҳалқаро меъёрига айланди, чунки мамлакатлар таълим тизимида мавжуд кўплаб муаммоларини ҳал қилиш йўлларини қидирмоқдалар. Юқорида қайд этилганидек, Ф.Диттмар, В.Чикоко ҳамда Т.Текалигне “мактаб кластери”ни [4] географик жиҳатдан бир-бирига яқин жойлашган мактаблар бирлашуви, гурӯҳи деб таърифлайди. Бошқа бир манбада мактаб кластери нафақат ўзаро географик яқин жойлашган, балки сифатли таълим самарадорлигини яхшилаш ва маъмурий мақсадларда ўқитиш ва ўрганиш ресурсларини баҳам кўришга қодир бўлган мактабларни бирлаштириш эканлиги таъкидланади.

Натижада мактаб кластери илк марта “Буюк Британия ва Хинди斯顿да 1940-йилларнинг бошларида, ўз таълим тизимларида самарадорликни ошириш, қишлоқ мактаблари бир-бирларини қўллаб-қувватлаб. ўқув-ахборот ресурсларини ўзаро алмашиш, ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида билим-маҳорат ва таълимнинг самарали ёндашувларини ўзаро алмашиш борасида ҳамкорликни ривожлантириш орқали сифатли таълимни такомиллаштириш мақсадида ташкил этилган. Мактаб кластерлари бошқарув, мавжуд ресурсларни алмашиш орқали ўқув ва синфдан ташқари ишларни такомиллаштиради, чунки бундай мактабларда яқин атрофда жойлашган мактабларнинг ўқитувчилари учун материал ва манбалар билан таъминланган ресурс марказлари мавжуд бўлади.

Мактаб кластерларини ташкил этишдан қўйидагилар мақсад қилинади:

- 1) мутахассислар ўртасида тажриба ва маҳоратларни алмашиш орқали ўқитиш ва мустақил ўрганишни такомиллаштириш;


- 2) мактабда фаолият юритаётган кадр-педагогларни ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш орқали сифатли таълимга эришиш;
- 3) педагог ва маъмурият ходимларининг касбий компетентлигини ошириш;
- 4) самарали профессионал тармоқ орқали “изоляция”ни бузиш орқали бир нечта кичик мактабларнинг манбаларини бирлаштириш учун маъмуриятга ёрдам бериш;
- 5) марказлашмаган қарорларни қабул қилиш, эгалик қилиш ва жавобгарликнинг юқори даражаларига эришиш.

Мактаб кластерлари қўйидаги сабабларга кўра жорий қилинади:

- 1) мактабларда бошқарув ва қўллаб-кувватлаш даражасининг пастлиги;
- 2) ўқитувчилар қўллаб-кувватлашга бўлган катта эҳтиёж;
- 3) юқори даражага эришиш борасида қарорларни қабул қилишда барча манбаатдор томонларнинг иштироки;
- 4) кўпчилик мактаблар қисман изоляцияда фаолият юритаётганлиги.

Америка ва Африка малакатларида жорий этилган мактаб кластери немис таълим тизимиға ҳам киритилганини шу тилдаги манбалардан билишимиз мумкин. Ушбу давлатда ҳам мактаб кластери (немисча – “Schulcluster”) юқорида қайд этилган тушунчага яқин мазмун касб этса-да, немис таълим тизимида жорий этилган “мактаб кластер”ларида олий таълим ташаббускор, шу билан бирга етакчи муассаса саналади. Бу ҳолни Ўзбекистон таълим тизимиға кириб келаётган “Педагогик таълим инновацион кластер модели”да ҳам қўришимиз мумкин [5]. Жумладан, мактаб ва олий таълим муассасаси ўзаро ҳамкорликда ишлаши, бир-бирини турли мақсадларда: етук билимли ўқитувчиларни тайёрлаш, ўқувчиларни ОТМда ўқиши жараённига тайёрлаш ҳамда олиб борилган тадқиқотни бевосита дарс жараёнларида қўллашда ўзаро қўллаб-кувватлаши мумкин. Мюнхен техника университети шу концепция асосида қатор худуддош мактабларни ягона бир тармоққа бирлаштирган эди, бу тизим кейинчалик оммалашиб, Schulcluster (Шулкластер)га айлантирилган. Буни ташкил этиш учун илк қадам координатор сифатида хизмат қиласиган таянч мактабни ташкил этишдан бошланади, ушбу мактаб учун доимий мурожаат манзили ўша ОТМ хисобланади. Мазкур ОТМ эса, ўз навбатида, кластер доирасида мультиплікатор вазифасини бажаради. Кластер миқёсида қатор таълим муассасалари ресурсларини ўзаро боғлашади. Таълим муассасалари билан бир қаторда мактабдан ташқари муассасалар (бандлик марказлари, ўқув марказлари ва шу кабилар), маҳаллий саноат корхоналари ва турли ижтимоий бирлашмалар ҳам қўшилиши мумкин. Шу тарзда ўша худуддаги мактабларнинг ўзаро алоқалари жадаллашади ҳамда ОТМ кластер иштирокчилари билан ўзаро алоқани самарали ташкил этишга эришади. Шу тарзда Мюнхен техника университети томонидан немис таълим тизимида дастглабки Schulcluster 2007 йил Берхтесгаденер ўлкасида 4 та гимназияни бирлаштирилиб ташкил этилган. Кейинчалик ўзаро яқин худудда жойлашган ҳар хил турдаги 13 та мактаб ҳам бирлашиб, мактаб кластерини ташкил этган. 2009 йил Алтўттинг-Траунштайн (Altötting-Traunstein)да, бир йил ўтиб Бенедиктбойерн (Benediktbeuern)да ҳам шундай кластерлар ташкил этилган.

Юқоридаги таҳлиллар асосида мактаб кластери моделини қўйидагича ифодалаш мумкин.





2-расм. Германия таълим тизимида “мактаб кластери” структураси

2-расмдан кўришимиз мумкинки, Европа, айнан, Германия таълим тизимида географик ўзаро яқин жойлашган бир нечта мактаблар шу худуддаги муайян ОТМ билан биргаликда “мактаб кластери”ни ташкил этиши мумкин. Ўшбу мактаблардан бирига координатор сифатида таянч мактаб, яъни кластер маркази вазифаси юкланди, ОТМ эса таянч мактаб учун доимий мурожаат манзили - мультиплектор вазифасини бажаради. Мисол учун, маълум бир вазифа, топшириқ ёки консультатив маълумот ҳар бир мактабга эмас, балки айнан ўша таянч мактабга етказилади, ўз навбатида, ушбу мактаб бошқа аъзо мактабларни хабардор қиласди. Бу орқали маъмурий масалалар такомиллашувига ҳам эришилади. Германия таълим тизими меъёрий ҳужжатларига кўра, камида 2 та, кўпи билан 8 та мактаблар ўзаро мактаб кластерини тузиши мумкин, ундаги ўқувчилар сони 200 дан ортиқ, аммо 2500 тадан кам бўлиши шарт.

Немис мактаб кластерини ташкил этишдан кутилаётган асосий мақсадлар қўйидагилардан иборат:

ОТМ ва мактаб ўртасидаги барча жабҳаларга доир ўзаро алоқаларни яхшилаш;

талабалар учун мактаб амалиётини янада профессионал равишда ташкил этиш ва ўтказиш;

мактаб ўқувчиларини олий таълимга йўналтириш ва мактабни битиргандан сўнг касб ва шунга мос ОТМ йўналишини танлашга ўргатиш мақсадида ташкил этиладиган семинарларни ўтказиш учун ОТМ ресурсларидан янада самаралироқ фойдаланиш;

ОТМда мавжуд АРМ, замонавий АКТ ва профессор-ўқитувчи ресурсларидан бевосита фойдалана олиш имкониятига эга бўлиш (мактаблар учун);

иш берувчи ва бошқа ташкилотлар билан таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ва такомиллаштириш, шу орқали битириувчилар ихтиёрига мақсадли ва манзилли иш ўринларини ҳавола этиш.

Шунингдек, мазкур ҳамкорлик ҳар икки тараф учун маълум имкониятлар туғдиради. Жумладан:

кластер аъзолари ўртасида тезкор алоқани ўрнатиш, таълимий, касбий маълумотлар алмашинуви жараёнини оптималлаштириш;

баъзизда кутилмаган қийинчиликларни келтириб чиқарадиган, аммо кластер аъзолари тажрибаси билан осонроқ ҳал қилиниши мумкин бўлган лойиҳаларни амалга ошириш имкониятини яратиш;

ўқув дастурларига кўра муайян лойиҳалар, одатда, ташқи ҳамкорлар билан амалга оширилиши керак, аммо уларни излаш кўпинча кўп вақт талаб этади. Бундай вазиятда ҳам “кластердаги шерик”ларнинг тажрибаларидан самарали фойдаланиш;

мактаб ва ОТМ ҳамкорлигида ўтказиладиган “малака ошириш, қайта тайёрлаш курслари”га маърузачиларни жалб қилиш жараёнининг осонлашуви;

мактабларда ўталаадиган малакавий амалиётнинг ташкил этилишини ҳамкорликда ишлаб чиқиш, унинг самарадорлигини ошириш;

ОТМдаги тадбирлар, компанияларга экспурсиялар, иш жойлари тўғрисидаги маълумотлар ёки семинарларни биргаликда осонроқ ташкил этиш;

ОТМда олиб борилаётган сўнгги тадқиқот ишлари ҳақида мактабларни тезкор хабардор қилиш, таништириш;

инновацияларни алмашиб орқали кластер шериклари ва уларнинг вакиллари мультиплектор сифатида бутун минтақа ёки туманга фойда келтириш;

ушбу ҳамкорлик талабаларга фойдали бўлади, чунки улар турли

тадбирлардан фойдаланиб, ОТМ лар ва бошқа турли ташқи ҳамкорлар ҳамда касб марказлари (бандлик, ёшларни қўллаб-қувватлаш арказлари ва шу к.) билан алоқаларни ўрнатиб, кейинчалик улардан фойдаланишлари мумкин;

истеъодди мактаб ўқувчиларини танлаб олиш, уларни олий таълимга қамраб олиш ва қўллаб-қувватлаш;

мактабларнинг мультиплікатор ОТМнинг халқаро ҳамкорлари билан алоқа ўрнатиши;

ОТМ билан ҳамкорлик сабабли у ерда эришилган сўнгги илмий янгиликлар, тадқиқотлар натижалари тўғридан-тўғри мактабга етиб бориши ва мактаб ўқув жараёнида қўлланишининг оптималлашуви;

амалиётчи-талабаларнинг мактабамалиётидан ўзлаштирган натижаларини таълимни ташкил этиш ва унинг сифатини ошириш мақсадида ОТМда ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнига киритиш имконияти.

МДХ мамлакатлари, Германия ва инглиззабон мамалакатлар таълим кластерлари таҳлилига таяниб, таълим кластерлари турли минтақаларнинг таълим тизимиға жорий этилган бўлса-да, унинг структураси айнан бир хил эмаслиги, ҳар бир шаклдан кутиладиган мақсад ва эришиладиган натижалар ўзига хослиги кўзга ташланади.

Шунга қарамасдан, таълим тизимиға кластер ёндашувни киритиш, мактаб кластерларини тузиш орқали қўйидаги умумий мақсадлар ҳамда натижаларга эришилади:

барча таълим босқичи (мактабгача, умумий ўрта, ўрта-маҳсус (профессионал), олий, олий таълимдан кейинги таълим) иштирокчилари ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларни ўрнатиш, бу орқали тезкор ўзаро маълумот ва тажриба алмашиш, ҳамкорликда лойиҳаларда иштирок этиш ва бошқа имкониятларга эга бўлиш;

ҳамкорликда ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, бу орқали иш берувчиларнинг талабларига мос етук мутахассислар тайёрлаш

малакавий амалиёт самарадорлигини ошириш, бунда ОТМда ўқитиладиган назарий билимлар ва амалиётда талаб этиладиган кўникмалар мутаносиблигига эришиш нуқтайи назаридан иш кўриш;

мавжуд ахборот ресурслари, моддий ресурслар (бино-иншоот ва майдон) ва педагогик ресурсдан самарали фойдаланиш, бунда мавжуд “ресурслар” барча кластер иштирокчилари учун умумий “ресурс” сифатида қаралади, уни мақсадли ва самарали тақсимлаш асосий мезон саналади.

Хулоса. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, касбий фаолиятда профессионал муаммоларни мустақил, ижодий ҳал қила оладиган, педагогик фаолиятнинг шахсий ва ижтимоий аҳамиятини англаб ета оладиган мутахассисларни тайёрлаш педагогик таълим мазмунида узлуксизлик ҳамда узвийлигига асосланувчи кластер ёндашувини тақозо қилмоқда.

Узлуксиз таълимнинг барча босқичларида ўзаро ҳамкорлик алоқаларни қўллаб-қувватлаш, унинг янги самарали шаклларини кашф этиш, уларнинг ўзаро интеграциясини таъминлаш заруратга айланмоқда. Кластер ёндашувни таълимнинг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш мақсадида барча таълим босқичи муассасаларининг ўзаро бирлашуви ва ҳамкорлиги бўлиб, у таълим сифати ва самарадорлигига эришишнинг инновацион шаклидир.

Адабиётлар:

Бакова К.Ж., Фурсова Т.А., Знаменская Н.А., Гречко Е.М., Методические указания о педагогической практике. Бишкек, 2013.

Мухамедов Ф., Ходжамқулов У., Тоштемирова С. Педагогик таълим инновацион кластери. Монография. –Т.: Университет, 2020. – 280 б.

Tekalighe T. Factors affecting the effectiveness of clustering school program in teaching learning process: The case of Yeki Woreda and Terpi Town Cluster



Schools (Unpublished Masters Thesis) // Addis Ababa University. Addis Ababa, 2013. – 63 p.

4. Giordano E.A. School cluster and teacher resource centres. UNESCO: International Institute for Educational Planning. – Paris: 2008. – 151 p.

5. Ходжамкулов У.Н. Педагогик таълим инновацион кластери // пед. фан. док. дисс. (DSc) – Чирчиқ, 2020. .